

Саноат корхоналари инвестиция фаолиятини амал қилишининг назарий ва ташкилий жиҳатлари

Саида Ахмаджановна Абдурахимова
Нодирбек Якуббоев

Тошкент халқаро молиявий бошқарув ва технологиялар университети

Аннотация: Мазкур мақолада саноат корхоналари инвестиция фаолиятини амал қилишининг назарий ва ташкилий жиҳатлари тўғрисида батафсил маълумот келтирилган.

Калит сўзлар: саноат корхоналари, инвестиция фаолияти, иқтисодиёт

Theoretical and organizational aspects of investment activities of industrial enterprises

Saida Akhmadjanovna Abdurakhimova
Nodirbek Yakubboev

Tashkent International University of Financial Management and Technologies

Abstract: This article provides detailed information on the theoretical and organizational aspects of investment activities of industrial enterprises.

Keywords: industrial enterprises, investment activity, economy

Иқтисодий хилма-хиллик ва динамиканинг бугунги дунёсида инвестициялар тушунчаси ниҳоятда муҳим ва долзарб бўлиб бормоқда. Инвестициялар ривожланишнинг асосий воситаси сифатида иқтисодий тузилмаларга чуқур таъсир кўрсатиб, инновациялар, ўсиш ва барқарорлик учун эшикларни очади.

Инвестициялар иқтисодий фаолиятнинг асосий элементи бўлиб, келажакда фойда ёки қийматнинг ўсишини кутиш билан турли хил лойиҳалар, активлар ва корхоналарга молиявий ресурслар, вақт ва куч сарфлаш демакдир. Улар молиявий бозорлар ва кўчмас мулкдан тортиб, илмий тадқиқотлар ва инфратузилма лойиҳаларигача бўлган кенг доирадаги соҳаларни камраб олиши мумкин [1].

Айниқса, саноатни ривожлантиришда инвестицияларнинг ўрни катта. Саноат, хоҳ ишлаб чиқариш, хоҳ ёқилғи-энергетика, хоҳ технология, хоҳ бошқа ҳар қандай соҳа бўлсин, унинг ўсиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш учун доимий инвестицияларга боғлиқ. Инвестициялар янги технологияларни

жорий этиш, янги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш учун катализатор бўлиб хизмат қилади. Инвестициялар иқтисодиёт ва бизнесда хилма-хил рол ўйнайди ва уларнинг хилма-хиллигини таснифлашнинг бир неча ёндашувлари мавжуд. Бундай ёндашувлардан бири инвестицияларни уларнинг хусусиятлари, мақсадлари, ташкилот ва лойиҳаларга таъсирига қараб ҳар хил турларга бўлишдир.

Инвестор - ўз ҳисобидан ва ўз номидан инвестицияларни амалга оширадиган жисмоний ёки юридик шахс. Кенг нуқтаи назардан, инвестициялар бу капиталнинг шундай янада кўпайтиришни мақсад қилинган кўринишидир. Бунда олинadиган фойда (даромад) капиталнинг бу жараёнда ўсишининг манбаи ва инвестиция жараёни учун мотивация ҳисобланади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда илмий адабиётларда “инвестициялар” тушунчаси “капитал қўйилмалар” тушунчаси билан боғлиқ ҳолда юритилади. [2] Фикримизча бунинг асосий сабаби шундаки, аксарият ҳолларда инвестицияларни бино, иншоотларни такрор ишлаб чиқаришга, асосий фондларга киритилиши билан изоҳланади.

Бироқ, инвестициялар айланма маблағларга, ҳар қандай молиявий воситаларга, масалан, акцияларга ёки облигацияларга, шунингдек патентлар ёки лицензиялар кўринишидаги номоддий активларни сотиб олишга ҳам йўналтирилган бўлиши мумкин. Бундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, капитал қўйилма тушунчаси торроқ тушунча бўлиб, уни инвестиция аналози сифатида эмас, балки шакллардан бири сифатида кўриш тўғрироқ бўлади.

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида барқарор иқтисодий ривожланишнинг муҳим шарт-шароитлари ва омиллари орасида инвестицион фаолият алоҳида ўрин эгаллайди. Инвестициялар ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ҳал этишда энг муҳим омиллардан бири ҳисобланиб, уларнинг жалб қилиниши даражаси билан иқтисодиёт ҳолатига баҳо берилади.

Мамлакатимизда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар жараёни иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари ва инвестиция ресурсларига ўсиб бораётган талабни қаноатлантириш даражаси бир-бирига мувофиқ эмаслигини кўрсатмоқда.

Мазкур тадқиқотнинг ресурс-ахборот базасини статистик маълумотлар, нефт қазиб олувчи ва қайта ишловчи корхоналар фаолияти тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар ташкил этади. Тадқиқотнинг услубий асосини ахборотни таҳлил қилишнинг статистик усуллари ташкил этади: қиёсий таҳлил, вақт сериялари таҳлили, корреляция ва регрессия таҳлили.

Иқтисодчи олимлардан Лоренс Ж.Гитман ва Майкл Д.Жонк “инвестициялар - бу даромад ва капитал қийматини сақланишини таъминлайдиган ёки унинг қийматини оширишига қаратилган капитални

жойлаштириш усулидир” - деб таърифлаган [1].

Бошқа иқтисодчи олимлар эса “инвестициялар бу капитални сақлаш ва ошириш мақсадидаги пуллик қўйилмалардир” - деб таъриф беришган [3]. Кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан инвестициялар мазмунига бўлган қарашларда уларнинг фикрлари худди шундай талқинда бўлиб, унчалик ўзгармаган.


Барча инвестицияларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: булар молиявий ва реал, яъни капитал ташкил этувчи инвестициялар.

Ҳақиқий инвестициялар тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш воситаларига қўйилади ва қоида тариқасида, бу узоқ муддатли капитал қўйилмаларидир. Шунинг учун реал инвестициялар одатда аниқ ва узоқ муддатли лойиҳага киритилади. Бундай лойиҳа реал активларни сотиб олиш билан боғлиқ. Инвестиция қилишда ўз капиталидан ҳам, қарзга олинган капиталдан ҳам фойдаланиш мумкин.

Қарз капитали сифатида, масалан, банк кредити бўлиши мумкин. Бунда банк реал инвестицияларни амалга оширувчи инвесторга айланади.

Қимматли қоғозлар ёки бошқа активлар портфелини шакллантириш билан боғлиқ бўлган капитал қўйилмалари молиявий ёки портфел инвестициялари деб аталади. Бу ерда инвесторнинг асосий вазифаси фонд бозорида қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш операцияларидан иборат бўлади, шунинг учун инвестиция портфелини оптимал бўлиши ва фойда келтириши учун шакллантириш ва бошқариш муҳим.

Шунга асосланиб, инвестиция портфели - бу биргаликда йиғилган ҳар хил инвестиция қийматлари жамланмасидир деб хулоса қилиш мумкин.



1-расм. Нефть-газ корхоналарида узоқ муддатли истиқболда инвестицияларни маълум мезонларга кўра гуруҳланиши

Амалда нефть-газ корхоналарида узоқ муддатли истиқболда реал қўйилмаларни режалаштириш ва ҳисобга олишда барча инвестициялар маълум мезонларга кўра бир неча гуруҳларга бўлинади:

марказлашганлик даражасига кўра - марказлашган, яъни давлат бюджети

ва унга тенглаштирилган манбалардан ажратилган маблағлар (масалан 2016-2020 йилларда амалга оширилган Шўртан газ-кимё мажмуаси негизда суюлтирилган ёқилғи ишлаб чиқариш лойиҳаси қисман марказлашган манбалардан молиялаштирилган) ҳамда марказлашмаган (2005-2013 йилларда Россиянинг “Газпром”, “Лукойл” компаниялари, Корея миллий нефть корпорацияси - КНОС, Хитой миллий нефть-газ корпорацияси, “Ўзбекнефтгаз” АЖ ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган лойиҳалар), яъни корхоналарнинг ўз маблағлари инвестиция сифатида киритилганда ёки қарз ва бошқа маблағларни жалб қилганда [4];

инвестициялаш объекти доирасида бажариладиган иш ҳажми ва ҳаражатлар таркибига кўра - қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш асбоб-ускуналар харид қилиш ҳамда бошқа йўналишларга ҳам ажратилиши мумкин (номоддий активлар харид қилиш ва бошқа ҳаражатлар);

такрор ишлаб чиқариш турига кўра - янги қурилишни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш;

ишнинг бажарилишига кўра - хўжалик усули ёки пудрат шартномаси асосида;

инвестицияларнинг мақсадига кўра - ишлаб чиқариш ёки ноишлаб чиқариш мақсадларидаги инвестицияларга ажратиш мумкин бўлади.

Нефть-газ корхоналарида инвестициялар ҳажми ва миқдорига кўпгина омиллар таъсир қилиб, уни аниқлашнинг бир қанча усуллари амалиётда қўлланилади. Биз тадқиқот ишимизда улардан бир қанчасини кўриб чиқамиз.

Асосий омиллардан бири - бу истеъмол ва жамғарма учун даромад ҳисобланади. Кейнс назариясидан маълумки даромаднинг тақсимланиш даражаси инвестициялар ҳажмига таъсир қилади. Агар иқтисодиётда киши бошига кам даромад бўлса, улар асосан истеъмолга йўналтирилади, шу билан бирга агар даромадлар ўсишни бошласа, уларнинг сезиларли қисми жамғармага йўналтирилади. Жамғарма эса, ўз навбатида, сармоя манбаи ҳисобланади. Шунга асосланиб, агар жамғармалар ўсса, инвестициялар ҳажми ҳам ошади деб хулоса қилиш мумкин. Бу жараён тесқари тартибда ҳам содир бўлиши мумкин.

$$C + S = Y - T = Y_d,$$

Бу ерда Y - шахсий даромад, T - тўғри солиқлар; $Y_d = Y - T$ - ихтиёрдаги даромад.

Кейнсга кўра истеъмол ҳаражатларининг ихтиёрдаги даромадга боғлиқлигини қуйидагича ҳам кўриш мумкин [11]:

$$C = a + bY_d, (4.2)$$

Яна бир муҳим омил - инвестор ўз инвестициясидан кутадиغان соф фойда даражаси. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, инвестицияларнинг асосий

рағбатлантирувчиси бу фойда ҳисобланиб, инвестиция миқдори тўғридан-тўғри кутилаётган даромад (фойда) даражасига боғлиқ. Шунга кўра, кутилаётган даромад (фойда) даражаси қанчалик паст бўлса, инвестициялар шунчалик паст бўлади.

Кредит фоиз ставкаси инвестициялар ҳажмига жиддий таъсир кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, инвестиция жараёнида нафақат ўз, балки қарз капитали ҳам иштирок этади. Агар тенг шароитларда кутилаётган соф фойда ставкаси ссуда фоиз ставкасидан юқори бўлса, демак, инвестиция самарали бўлади. Шунинг учун биз кредит фоиз ставкасини оширсак, шунга мос равишда инвестициялар ҳажми камаяди.

Прогноз қилинадиган инфляция даражаси инвестициялар ҳажмига жиддий таъсир кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, инфляция даражаси қанчалик юқори бўлса, инвестициялардан олиннадиган фойда шунчалик кўп қадрсизланади. Ва шунга асосланиб, инвестиция ҳажмини ошириш учун инвесторларнинг мотивацияси даражаси пасаяди. Бу омил узоқ муддатли истиқболда инвестицияларга жуда катта таъсир кўрсатади.

“Корхона ёки компаниянинг узоқ муддатда қандай ишлашини, уларнинг ривожланиш суръатлари ва рақобатбардошлик даражаси қанчалик юқори эканлигини аниқлаш учун инвестиция фаолияти даражаси ва доирасини аниқлаш керак. Бугунги кунда барқарор иқтисодий ривожланишнинг муҳим шарт- шароитлари ва омиллари орасида инвестицион фаолият алоҳида ўрин эгаллайди. Инвестицион фаолият самарадорлигини таъминлаш жараёнларига таъсир кўрсатувчи омиллар натижасида, ишлаб чиқаришда инвестиция сифими ва самарадорлиги ортиб боради. Инвестиция қайтимининг реал шакли пул маблағлари кўринишида ўзлаштирилиб, корхонанинг ялпи даромадида ўз аксини топади” [2].

Бозор муносабатларининг ҳозирги такомиллашган босқичида инвестиция ресурслари учун алоҳида маъмурий-худудий субъектлар ўртасида рақобат кураши кучайиб боради. Ушбу рақобат муҳити таъсирида хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш, иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларидаги ташкилий-ҳуқуқий тузилмалар фаолиятини қисқа ва узоқ муддатли ривожланишини тартибга солишнинг турли механизмлари амал қилади.

Н.В.Киселёва, Т.В.Боровикова, Г.В.Захаровалар фикрига кўра “бозор муносабатлари таъсирида инвестиция фаолиятини рағбатлантириш механизмнинг рационализация қилиниши қисқа ва узоқ муддатли давр учун корхонада иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишнинг муҳим шarti ҳисобланади” [5].

Инвестицион фаолият таъсирида макроиқтисодий тизим ичидаги

муносабатларнинг мураккаблашуви ноаниқ бозор шароитидаги салбий тенденцияларни енгиб ўтишга ёрдам берадиган инвестицион лойиҳаларни рағбатлантиришнинг мослашувчан механизмларини шакллантириш заруриятини юзага келтиради.

Инвестицион фаолият самарадорлиги, инвестицион фаолият механизмини амал қилишининг ташкилий-иқтисодий тизимига боғлиқ бўлган ҳуқуқий, ресурс ва услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ўз ичига олган ташкилий-иқтисодий шакллар ва усуллар мажмуасига боғлиқ бўлади.

МУНОЗАРА:

Инвестицион фаолият механизмини амал қилишининг назарий ва ташкилий асосларини шакллантиришга йўналтирилган қатор тадқиқотларда инвестицион фаолият механизмининг инвестиция жараёнларидаги ўрни нисбатан кенгроқ даражада талқин этилади. Хусусан, бу борада М.В.Грачева “инвестицион лойиҳаларда рискларни бошқаришнинг асосий босқичлари, лойиҳа рискини таснифланишига маълум ёндашувлар, лойиҳа рискларини бошқариш инструментларини сифат жиҳатидан тавсифланган ҳолда инвестицион лойиҳаларда рискларни бошқаришнинг иқтисодий-математик моделлари, хусусан, сезувчанлик таҳлили, имитацион моделлари орқали инвестицион фаолият самарадорлигини оширишнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш” жараёнлари тадқиқ этилган [6].

Инвестицион фаолият таҳлилининг амалга ошириш ёндашуви бўйича бир қатор кўзга кўринган ҳозирги замон иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқот монографияларида ва ўқув қўлланмаларида ўз аксини топган.

Р.С.Голов, К.В.Балдин, И.И.Передеряевлар “инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг ташкилий механизмининг амал қилиш хусусияти иқтисодиётдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жонлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш орқали янги иш ўринларини шакллантириш” каби қатор йўналишлар доирасида тадқиқ этилади [7].

Мамлакатимизда Б.С.Маматов, Д.Ю.Хўжамқулов ва О.Ш.Нурбеков томонидан инвестиция фаолиятини тадқиқот этишга доир олиб борилган илмий тадқиқотларда “инвестицион фаолият амал қилишининг инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш босқичлари, инвестиция фаолиятида капитал қурилиш, инвестиция лойиҳаларини синдикатли кредитлаш, инвестицияларнинг молиявий ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш жараёнларига таъсири” тадқиқ этилган. “Инвестицион фаолиятнинг риск омилларига боғлиқлиги инвестицион фаолият механизмини амал қилишининг

зарурий шарти” сифатида эътироф этилган [8].

Маҳаллий иқтисодчи олим С.Э.Элмирзаев “инвестицияларни бошқаришнинг назарий ва амалий масалалари, шунингдек инвестицион фаолиятни бошқаришда солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш йўллари” борасида самарали тадқиқот ишларини олиб борган [9].

Шунингдек, Э.И.Носиров бошчилигидаги муаллифлар жамоаси “инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва уни амалга ошириш жараёнида рискларни бошқаришнинг назарий асосларини” тадқиқ қилган. Инвестиция рискларининг турлари ва шакллари ифодаланиб, рискларни бошқариш бўйича халқаро молия институтлари тажрибаси кўрсатиб берилган. Ўзбекистонда инвестиция рискларини бошқаришнинг самарали усуллари, воситалари ва имкониятлари очиб берилган [10].

Бизнингча, инвестицион фаолият - инвестиция манбалари ва воситаларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган қисмини тизимли қўллаб-қувватлашга асосланган ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий, молиявий услублар мажмуаси ҳисобланади. Корхона доирасида инвестицион фаолият инвестиция қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тартибга солувчи асосий элементлар мажмуаси сифатида намоён бўлади. Ушбу механизмнинг асосий элементлари: фаолиятни тартибга солишнинг бозор омиллари, давлат томонидан тартибга солувчи ҳуқуқий чора-тадбирлар, ички тартибга солиш имкониятлари каби инвестицияларни бошқаришни амалга оширишнинг ўзига хос усулларида иборат.

Инвестицион фаолиятни амал қилишининг назарий ва ташкилий асослари доирасидаги умумий хулосалар инвестиция фаолиятини бошқариш механизмларига доир бир қатор тамойиллар асосида шаклланади (йўналтирилганлик, объективлик, қонунийлик, ахборотларнинг етарлилиги, тизимлилик).

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР:

Корхона инвестиция фаолиятини бошқаришнинг самарали воситаси - бу инвестицион стратегиянинг мавжудлигидир. Инвестицион стратегияни компаниянинг узоқ муддатли инвестиция фаолияти мақсадлари тизими сифатида аниқлаш мумкин. Бу тизим инвестиция мафқураси томонидан ишлаб чиқилган инвестиция фаолиятини ривожлантириш мақсадлари билан белгиланади.

Шунингдек, инвестиция стратегияси белгиланган мақсад ва вазифаларга эришишнинг самарали усуллари белгилайди. Инвестицион стратегия - бу корхонани ривожлантириш концепцияси ва шунинг учун у қуйидагиларни белгилайди деб ҳисоблаймиз:

инвестицион фаолият соҳаларининг устуворликлари;

инвестиция фаолияти шакллари;

корхонанинг инвестиция ресурсларини шакллантириш характери;

корхонанинг узоқ муддатли инвестиция мақсадларини амалга ошириш босқичлари кетма-кетлиги;

корхонанинг инвестиция фаолияти соҳалари ва шакллари бўйича мумкин бўлган инвестиция фаолияти чегаралари;

корхона инвестиция фаолиятини моделлаштирадиган, амалга оширадиган ва баҳолайдиган расмийлаштирилган мезонлар тизими.

Фикримизча, инвестицияларни корхона фаолиятида тутган ўрни, унинг ривожланиш босқичлари билан бевосита боғлиқлиги нуқтаи-назаридан уни стратегик режаси умумий тизимининг муҳим қисми - бу шубҳасиз инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнидир. Бу жараён қуйидагиларни ўз ичига олади:


- инвестиция стратегиясининг мақсадларини белгилаш;

- ишлаб чиқарилган инвестиция ресурслари таркибини оптималлаштириш ва уларни тақсимлаш;

- инвестиция фаолиятининг энг муҳим жиҳатлари бўйича инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш;

- ташқи инвестицион муҳит билан алоқаларни сақлаш.

Корхона учун инвестиция стратегиясини ишлаб чиқишнинг ҳозирги еҳтиёжи ташқи ва ички муҳит шароитларининг ўзгариши билан оқланади [12]. Ва инвестицияларни самарали бошқариш учун сиз ушбу ўзгаришларга мослаштирилган инвестиция стратегиясига ега бўлишингиз керак. Бошқа ҳолатда, корхонанинг турли тузилмаларида қабул қилинган инвестиция қарорлари бир-бирига зид бўла бошлайди. Ва бу корхонанинг инвестиция фаолиятининг умумий самарадорлигини пасайишига олиб келади.



2-расм. Корхона инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш босқичлари.

Корхонанинг ички муҳитида ўзгаришлар содир бўлиши, бу корхонанинг операцион фаолияти мақсадларининг ўзгариши ёки ўзгаришларнинг ҳаёт айланиш босқичида бошланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Корхонанинг

тадбиркорлик фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган имкониятлар унинг фаолият мақсадларини ўзгартириши мумкин. Бундай ҳолда, ишлаб чиқилган инвестиция стратегияси корxonанинг инвестиция фаоллигининг ўсишини ва унинг инвестиция фаолиятини диверсификация қилишнинг прогноз қилинадиган характерини таъминлаши мумкин.

Корхона ҳаётининг ҳар бир босқичи ўзига хос хусусиятларга эга, бу инвестицион фаоллик даражаси, инвестиция фаолиятининг шакллари ва йўналишлари, инвестиция ресурсларининг шаклланиш хусусиятлари. Шу сабабли, ушбу хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда инвестиция стратегияси инвестиция фаолиятини корxonанинг иқтисодий ривожланишида содир бўладиган ўзгаришларга мослаштириши мумкин.

Инвестицион стратегияни ишлаб чиқиш жараёнининг самарадорлигини таъминлаш учун корхонада стратегик бошқарув объектларини ажратиб кўрсатиш керак. Бундай объектлар бутун корxonани, алоҳида стратегик бошқарув зоналарини ва алоҳида стратегик марказни ўз ичига олиши мумкин.

Стратегик иқтисодий зона мустақил бўлган ва корхона таркибида фаолият юритувчи алоҳида иқтисодий сегментдир. Стратегик иқтисодий зона умумий талаб билан бирлаштирилган ёки умумий хомашё ёки технологиялардан фойдаланадиган турдош тармоқларда фаолият юритиши мумкин. Ўз навбатида, стратегик инвестиция маркази корхона тузилмасида алоҳида бўлинма ҳисобланади. Ушбу бўлинма стратегик бошқарув зоналари фаолиятини таъминлаган ҳолда инвестиция фаолияти соҳасида муайян функция ва йўналишларни бажаришга ихтисослашган.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда инвестиция стратегияси корxonанинг муваффақиятли ва самарали ривожланишини таъминлайдиган энг муҳим омиллардан биридир. Ишлаб чиқилган инвестиция стратегияси компанияга қуйидагиларга имкон беради:

- корxonани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадларида узоқ муддатли истиқболда инвестиция мақсадларини амалга ошириш механизмнинг самарадорлигини таъминлаш.

- инвестиция имкониятларини реал баҳолаш;

- корxonанинг инвестиция салоҳиятидан максимал имкониятлар билан фойдаланиш ва ушбу инвестиция ресурсларини муваффақиятли бошқариш;

- ташқи муҳитда ўзгаришлар содир бўлганда юзага келадиган инвестиция имкониятларини тезкорлик билан амалга оширишни таъминлаш;

- салбий омилларнинг корхона фаолиятига таъсир қилиш даражасини пасайтирган ҳолда ташқи инвестиция муҳитини ривожлантиришнинг мумкин бўлган вариантларини прогноз қилиш;

- корxonанинг инвестиция фаолиятини бошқаришнинг турлари: стратегик,

тактик (жорий) ва оператив бошқарув ўртасидаги аниқ муносабатларни таъминлаш;

- рақобат муҳитида корхонанинг афзалликларини акс эттириш;

- энг муҳим стратегик инвестиция қарорларини амалга ошириш доирасида тегишли инвестиция сиёсатини белгилаш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, инвестиция стратегияси доирасида реал инвестиция лойиҳалари ва молиявий инвестиция воситаларини танлашнинг асосий мезонларининг мазмуни шакллантирилади. Натигада, корхонада ишлаб чиқиладиган инвестиция стратегияси корхона бошқарувининг бутун ташкилий тузилмаси, шунингдек, унинг ташкилий тузилмасидаги стратегик ўзгаришлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Д.Гитман, М.Джонк Основы инвестирования. - М.: Дело, 1999. - 489 с.
2. Ж.Ш.Умурзоқов. Нефть-газ корхоналарининг инвестиция фаолияти: назария ва амалиёт. Монография. - Тошкент: "Chinor fayzi baland" нашриёти, 2023. - 148 б.
3. Фатхутдинов Р.А. Разработка управленческого решения. - М.: ЗАО "Бизнес-школа" "Интел-Синтез", 1997.- 89 с.
4. "Ўзбекнефтгаз" АЖнинг расмий ахборот сайти www.ung.uz статистик маълумотлари.
5. Н.В.Киселёва, Т.В.Боровикова, Г.В.Захарова и др.; Инвестиционная деятельность/Под ред. Г.П. Подшиваленко и Н. В. Киселёвой. М.: КНОРУС, 2005. 432 с.
6. Риск-менеджмент инвестиционного проекта. / Под ред. Грачевой М. В. - М.: Юнити, 2009. - С. - 44.
7. Голов Р.С, Балдин К.В, Передеряев И.И. Инвестиционное проектирование: Учебник-М.: Дашков и К, 2010.- С.- 143.
8. Маматов Б.С, Хужамкулов Д.Ю, Нурбеков О.Ш. "Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш". Дарслик. - Т.: Иқтисод-молия, 2014. - 84-б.
9. Элмирзаев С.Э. Корпоратив молия: Ўқув қўлланма. Т.: Sano-standart, 2015. - 256 б; Элмирзаев С.Э. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш масалалари. Монография. - Т.: "Иқтисод-молия", 2017. - 160 б.
10. Э.И.Носиров ва бошқалар "Инвестиция рискларини бошқариш". Ўқув қўлланма. -Т.: "Фан ва технология". - Т.:2012 йил, 116 бет.
11. Ивашковский С.Н. ДЖ. М. Кейнс и его экономическая теория: этический ракурс. Вестник МГИМО-Университета. 2016;(3(48)):172-187.
12. Умурзоқов Ж.Ш., Бакиева И.А. Ўзбекистонда нефть газ саноати

корхоналарини трансформациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш динамикаси, “Agro biznes inform” иқтисодий-ижтимоий, илмий оммабоп журнали (1) 1 2022, 44 б.